

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ



**ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА
МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами

1-КИТОБ

ТОШКЕНТ – 2021

Манзила ҚУРБОНОВА,
Бухоро давлат университети т.ф.н., доцент
Ўктамали РАВШАНОВ,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими
(Ўзбекистон)

БУХОРО МУЗЕЙИ ҚОЖАРЛАР ДАВРИ КОШИНЛАРИ

Аннотация:

Ушбу мақолада Бухоро музейида сақланаётган XIX асрга оид Эронда Қожарлар сулоласи даврида сарой, масжид ва диний масканларни безашда урфга кирган суратли кошинлар ҳақида сўз боради. Уларнинг Бухоро заминида сақланишини аниқлаш ҳам мақоланинг мақсадларидан биридир.

В статье рассматриваются живописные изразцы, хранившиеся в Бухарском музее во времена династии Каджаров в Иране XIX века, ставшие традицией в украшении дворцов, мечетей и религиозных объектов. Одна из целей статьи - определить, хранятся ли они в Бухаре.

This article deals with pictorial tiles kept in the Bukhara Museum during the Qajar dynasty in 19th-century Iran, which became a tradition in the decoration of palaces, mosques and religious sites. One of the purposes of the article is to determine whether they are stored in Bukhara.

Шарқда IX асрдан бошлаб идишлар сирланадиган бўлди. XII асрдан биноларнинг ташқи ва ички қисмлари сирланган ва пиширилган парча сополлар билан безатила бошланди ва шундан кошинсозлик санъати пайдо бўлди. Ҳозирги Эрон ва Ироқ ҳудудида қадимдан бўртма тасвирларга, деворий суратларга эътибор бериш, саройларни ҳашамдор кўринишда қуриш анъанаси шаклланган. Шунинг учун ҳам кошин (форс тилида миной⁷ атамаси ҳам ишлатилади) тайёрлашнинг ватани Эрон ҳисобланади.

⁷ Миной (эмал) – қаттиқ шишасимон қоплам. Металл ва сопол буюмларни бадиий безашда уларнинг юза қисмидаги бўёққа қиздириб ишлов бериш натижасидаги кўриниш.

Бир аср давомида ўз бағрида турли осори-атиқаларни асраб келаётган Бухоро музейи бугунги кунда 130 мингдан ортиқ тарихий ашёларни ва ноёб коллекцияларни ўзида жамлаган. Улар нафақат Бухоро, Ўрта Осиё тарихи бўйича, балки Бухоро билан тарихан боғлиқ халқлар ва мамлакатлар тарихини ҳам ўзида акс эттирган.

1990 йилда археолог Е.Г.Некрасова томонидан Бухоро шаҳри Арк қалъасидан жанубда жойлашган майдонда олиб борилган қазишмалар жараёнида турли ашёлар топилди. Уларнинг 21 таси тарихий-бадий аҳамиятга эга кошинлар⁸ бўлиб, музейнинг археология фондига топширилди. Тарихан кошинлар топилган ўринда қушбеги поённинг ҳовли жойлари бўлиб, бу вазифага асосан қушбеги болонинг яъни бош вазирнинг фарзандлари тайнланган. Ўз навбатида Бухорода 1870-1910 йилларда эроний сулола вакиллари қушбеги вазифасини бажарган. Яъни ушбу кошинлар эроний қушбеги поённинг уйини безаган бўлиши мумкин. Яна бир тахмин бор бўлиб, кошинлар жуда кўп тарихий ашёлар билан биргаликда топилган. Бухоро болшевиклар томонидан босиб олингандан сўнг Регистон майдонига бузилган Тоқи Тиргарондан кириш жойида шаҳар вайроналари тўпланган. Кошинлар бу ерга шу вайроналар орқали келган бўлиши ҳам мумкин. Аммо биринчи тахминни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозиргача Бухоро ёки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ҳам бундай кошинлар топилмаган. Бу эса кошинлар айнан эроний қушбеги ҳовлисига тегишли бўлганлигидан далолатдир. Ашёларнинг барчаси деворий безаклардан иборат бўлиб, ушбу тадқиқот асосини ташкил этади.

Турли тасвирлар туширилган кошинлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирда Туркиянинг Коратой мадрасаси кошин музейида сақланаётган Султон Алоуддин Кайқубод даврида 1224-1226 йилларда қурилган Қубодобод ёзги саройи (қурилиши XII аср охирида бошланган)ни безаган кошинлар шу турдагиларнинг энг қадимийларидир⁹.

Машҳаддаги Буюк Хуросон музейида сақланаётган кошинлар Эрон кошинларига Европа маданияти тасирининг яққол намуналари ҳисобланади. Энди тасвирларда кема, европача услубдаги уйлар,

⁸ Ушбу атама кошин ишлаб қичариш ватани бўлган Эроннинг Кашан вилояти номидан олинган.

⁹ Mehmet Önder, Konya Müzesi Çini Eserler Seksiyonu (Karatay Medresesi) Rehberi, Istanbul. 1961; S.18.

кошинни безашдаги барглар, Европа қироллари тасвири ва витраж каби кўринишлар пайдо бўлди.

Қожарлар даври кошинлари Эронда маданият ва санъатнинг анъанавий ва замонавий шакллари ўртасида омукталашув даврининг маҳсули ҳисобланади. Айниқса, Европа маданияти таъсири кучайган даврда. Кошинларнинг бўртма гуллари, бино ва европача кўринишдаги инсонлар ёки маҳаллий кишиларнинг европача кўриниши кабиларда бу яққол намоён бўлади. XIX асргача бўлган даврда бир пайдо бўлиб, бир йўқолиб келаётган тасвирилик кошинлар олдинги каби турли ҳайвонларни тасвирлашдан кўра диний (шиа) ҳамда қаҳрамонлик мавзуларини афзал кўрди.

Кошин тайёрлар алоҳида хунар тури бўлиб, бир неча босқичларда тайёрланган. Дастлаб печда пиширилган тўртбурчак шаклдаги сопол плиткалар ёнма-ён қолипда терилган, юзаси оқ ранг билан қоплангандан сўнг улар очик ҳавода қуритилган ва тайёр плиткаларга керакли тасвир ва ранг берилгандан сўнг юзаси эмалланиб (шиша кукунининг суюлтирилгани билан) печда пиширилган. Плитка юзасига мис оксиди суртиш ҳам унинг ялтироқлигини оширган. Кошинлар асосан етти ранг оқ, қора, мовий, жигарранг, бинафша, сариқ, қизилдан иборат бўлиб, кўрғошин оксидининг кам ва кўп миқдорда қўшилиши турли рангларни ҳосил қилишда энг керакли модда ҳисобланган. Юза қисми текислиги бузилиши олдини олиш мақсадида ва деворга яхши ўрнатиш учун кошинларнинг орқасида икки бош бармоқнинг ўринлари қолдирилган. Ички қисмида саккизбурчакли юлдуз ва унинг марказида кўрсатилиши мақсад қилинган тасвир ўрнатилади.

Кошинпаз усталарнинг мақсади биноларни диний, эпик, тарихий, қаҳрамонлик ва бошқа турли мавзудаги тасвирлар билан безаш бўлган. Бухоро мактабига хос кошинлар, асосан катта-кичик тўртбурчак плиткалар бўлиб, улар ўсимликсимон ва геометрик шакллар билан безалган. Турли жонли тасвирилик кошинларни тайёрлаш Бухоро мактабида кузатилмаган. Бухорода кошинларга Қуръон ва ҳадислардан намуналар битилган ва атрофи ўсимликсимон ва геометрик нақшлар билан тўлдирилган. Ёзувли кошинлар фақатгина биноларнинг пештоқ қисмларини безаган. Эронда эса ананавий жонли тасвирларни ишлаш кошинларда ҳам кузатилган. Айниқса, Беҳистун ва бошқа қоятош ёдгорликларидаги тасвирларни кошинларда акс эттириш кенг тарқалган. Бундан маълумки, Эроннинг классик даври ва тарихига мурожаатлар XIX

асрда авж олган. Аниқроғи санъатнинг янги кўринишлари билан яна ҳам кенг тарқалган.

Қожарлар даврида тош рельефларга тасвир ишлаш ҳам қайта тикланди. Яъни, Эрон Аҳамонийлари ва Сосонийлари каби улар ҳам улуғвор, мазмунли петроглифларни тоғларнинг бағрига туширтиришди. Бухоро давлат музей-кўрикхонаси Археология фондида сақланаётган (1.Инв.32586/22-1) кошин - овал юз, қалин ва қора қош-кўз, узун ва йўғон мўйлов барчаси эроний кишини тасвирлаган. Бошида тож, эгнида яшил ранг кўйлак ва устидан баланд кўк рангли халат кийган. Саккиз қиррали юлдузнинг ички ўнг бурчагидаги араб имлосида форс тилидаги «Хурмуз» сўзидан ушбу тасвир кимга тегишли эканлиги аниқланади. Хурмуз Эрон Сосонийларидан Шопур I нинг ўғли(ундан кейин яна 4 та Хурмуз номли подшоҳлар ўтган), давлатнинг учинчи ҳукмдори бўлган. Шунингдек, Хурмуз ҳам Эрон эпик қаҳрамонларидан бири ҳисобланади.

Бухоро музейининг Археология коллекциясида (2.Инв.32586/22-2) 15x18 см ўлчамдаги ашё деворий безак бўлиб, унда умумий мазмунда «ҳокимият сахнаси» тасвирланган. Мантиқан деворий тасвирларда чап қўл билан ҳукмдорлик рамзини топшириш ўнг қўл билан эса олиш жараёни тасвирланган (бундай маросим сахналари Панжикент ёдгорлигида ҳам тасвирланган, яъни исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё ва Эронда худо ёки олдинги ҳукмдор томонидан янги ҳукмдорга давлатни топшириш шундай кўринишда маъно касб этган). ¹⁰Бизгача фақат рамзий тожни (тасма боғланган ҳалқа) топшираётган ва олаётган кишининг ўнг қўли тасвири сақланган. Ушбу рельефда, айнан Бехустундаги каби тасвир: бош ва сочлар елкагача бўлган сариқ рангда майда тангачалар шаклида турмакланган, кўзлар йирик, бурун бўртиб чиққан, чўққи соқолли кўринишда ишланган. Эгнига яшил ёқали кулранг яқтак, белида эса жигарранг тасма кўк тўка билан мустаҳкамланган. Бу кўринишдаги тош рельефларни ишлаш, айниқса, Сосонийлар (226-651) ва Ўрта Осиёнинг Сўғд ҳокимлари (IV-VIII) даврида ўз чўққисига етган. Кирмоншоҳнинг турли қисмларида, масалан Тоқи Бўстонда Ардашер II нинг Шопур III га ҳукмдорлик рамзи бўлган тожни топшираётганлиги унинг ғалаба жараёнлари билан биргаликда тасвирланган. Ёки Нақши Рустамда

¹⁰ Масалан, Тоқи Бўстонда Митранинг Хусрав II га подшоликни топшираётгани тасвирланган.

Артаксеркс I нинг Ахурамаздадан ҳукмдорликни шу кўринишда олаётганлиги тасвирланган (мил.авв. V аср). Худди шундай мазмундаги кошин барельеф 1990 йилда Аркнинг жанубидан ҳам топилган.

Ҳатто қожарлар даврида ҳам тош рельефлар ишлаш қайта санъат даражасига кўтарилган. Ушбу таърифланаётган ашё ҳам қожарлар даврига тегишлидир.

Кошинларнинг яна бири деворнинг пастги хошиялари орасига ишланган тасвир бўлиб, унда (3.Инв. 32586/22-3) кураш майдонидаги одам тиззагача бўлган узунликда йўлбарс териси каби сариқ рангли ва қора нуқтали калта иштон кийган, чап тиззасини ерга тираб ўнг қўли билан раъибини ушлаб турганлигини ва чап қўли билан зарба беришга тайёр турганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда уруш мумий мавзу ҳисобланади.

Навбатдаги кошин (4.Инв. 32586/22-4) юқориси учбурчак шаклдаги плиткада араб жангчиси кўринишида, салла ўраган ва мўйлов, қош, кўзлари қалин қора қиёфадаги эркакнинг камон ёйини кўкрагигача тортаётган ҳолатда, эгнига оқ кўйлак устидан қирмизи яқтак кийган, кошиннинг фон қисми ҳам одатга кўра мовий ранг билан бўялган. Кошиннинг хошия қисмида зигзак шаклида баргчалар тасвири берилган. Бундай шаклдаги кошинлар асосан хона ички қисмининг вертикал хошияларининг юқори қисмига ўрнатилган.

Афсонавий, қаҳрамонлик, жанг каби мавзулардаги дostonлар, эпик турли туманлик Эрон амалий санъатига чуқур кириб борган. Буни юқоридаги мисоллар ҳам исботламоқда.

Охирги кошиннинг (5.Инв. 32586/22-5) жуда кам қисми сақланган бўлиб, фақат юз қисмидан иборат. Ушбу тасвирда ҳам юз қиёфаси эроний услубда ишланган. Бошида сосоний ҳукмдорларга хос тож бўлиб, у олдинги тасвирдаги тож каби айнан сосоний тангалари ва тош барелефларидаги алоҳида белгилари билан ажралиб турмасдан, кошинпазнинг аслиятга уринишларини акс эттиради.

Ушбу топилмалар консервация қилинган бўлиб, сирлари тўқилиб кетишининг олдини олиш мақсадида юзаси паралоид полимери билан қопланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Эрон кошинпазлик санъати узоқ вақт давомида ривожланди, турли маданият элементларини ўзида акс эттирди ва Бухоро амирлиги ҳудуларида

ҳам тарқалди. Амирлик маркази Арк қалъасига туташ майдондан Қожарлар даврига тегишли кошинларнинг топилиши Бухорода эроний халқлар ва уларнинг маданияти шаклланишига кенг имкониятлар яратилганлигидан намуналар ҳисобланади.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mehmet Önder, Konya Müzesi Çini Eserler Seksiyonu (Karatay Medresesi) Rehberi, Istanbul. 1961; S.18.

2. Eighty Years of Iranian Archaeology.Vol. II. Tehron. 2012. 487 p.

3. Mahmonir Shirazi, Ashraf Moosavilar. Retrieval of Identity layers in Qajar Era.Tehron.2016. 23 p.

4. Grabar, Oleg. Reflections on Qajar Art and its Significance, Iranain Studies, London. Vol.34, pp. 1- 4.



1. 2.



3.



4.



5.

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Исмаилова Ж.Х. Маҳаллий коллекционерларнинг музей коллекцияларини шакллантиришдаги ўрни.....	5
Зияева Д.Х. Тошкент деворлари ва дарвозалари тарихидан	11
Абдуллаев Д. Фалеристика объектлари (давлат мукофотлари)нинг музейлар жамланмасида акс этиши ҳамда сақланиш масалалари талқини	19
Маммадова А. Монеты империи тимуридов в коллекции национального музея истории азербайджана.....	25
Абдуллаев Б. Древности Андижана в музеях Узбекистана	35
Богомоллов Г. Буллы с Кафиркала в собрании Государственного Музея Истории Узбекистана АН РУз	45
Орифжонова Г. Этномаданий меросни экспозицияга қўйиш методларининг ривожланиш тарихи.....	53
Касимова Ш. Турли ихтисосликдаги музейларда уларнинг таснифи асосида экскурсия матни ва дастур лойиҳаларини тайёрлаш ..	59
Заргарова Н. Хива хаттотлик мактаби намуналарини таъмирлаш муаммолари ва уларнинг музейлаштиришдаги аҳамияти.....	69
Зияева Р. Шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур) мажмуаси	74
Ибайдуллаев Х. Особенности развития музейного дела в Кыргызстане.....	81
Исматуллаев Ф. Археология ва тарих соҳасидаги халқаро алоқалар ривожланишининг айрим жиҳатлари	88
Мусакаева А. Гирька с изображением личин.....	96
Арипджанов О. Кушон Бактрияси суяктарошлик санъатини ўрганиш тарихидан.....	102
Ne`matova Н. Safarnomalar orqali moziygohlarga bir nazar.....	107
Поторочина Е. Архитектурно-археологический комплекс кархана. вопрос музеефикации	113
Султанова Н. Шоҳи-Зинда ансамбли иморатлари бадиий безаклари ва турлари	119
Қурбонова М., Равшанов Ў. Бухоро музейи қожарлар даври кошинлари	125
Yuldashev А. O'zbekistonda muzey ishi amaliyotida tasviriy san'at asarlari restavratsiyasi va atributsiya maktabining shakllanishi.....	133
Ходжаев Б. Кокандские монеты в собрании государственного эрмитажа.....	141